

## XIX АСР ИККИНЧИ ЯРМИ – XX АСР БОШЛАРИДА ЎРТА ОСИЁ

### ХОНЛИКЛАРИДАГИ ШАҲАРЛАР ҲАЁТИ

Рузиева Лазиза Юсуфовна

Тошкент давлат шарқшунослик университети тьютори

**Калит сўзлар:** Туркистон, Сирдарё, шаҳар, Россия, Ўрта Осиё, Бухоро, Хива, Оренбург, савдогарлар

Чоризм истилосининг оқибатлари чорвачиликка салбий таъсир этгани ҳолда деҳқончиликни ривожлантиришда, қолаверса шаҳар ҳаётини анчагина тараққий топтиришда кўринди. Шуниси ҳам борки, шаҳарлар, ҳатто руслар асос солган шаҳарлар аксарият ҳолларда аҳоли таркибига кўра соф рус шаҳарларига айланмади. Туркистоннинг асосий вилоятлари бўлмиш Сирдарё, Самарқанд ва Фарғона вилоятларида руслар асосан эски шаҳарга янги рус қисми тарзида қўшилдилар. Шу зайл эски шаҳар ёки осиеликлар шаҳри билан қўшилиб, бир бутун шаҳарни ташкил этди. Фарғона забт этилганидан кейин вилоят шаҳрини барпо этиш учун мавжуд шаҳарнинг ёнидан, унга туташ эмас, маълум ораликда, вилоятнинг асосий шаҳри Қўқондан ҳам, каттагина шаҳар сифатида танилган Марғилондан ҳам маълум ораликда барпо этилди ва унга «Янги Марғилон» деб ном берилди. Бу шаҳар 1907 йилда Скобелев (ҳозирги Фарғона) номини олди. Шаҳар аҳолисининг кўп қисмини руслар ташкил этди. Хусусан 1911 йилда ундаги 11 минг аҳолининг 7 минги руслар эди. Жой танлаш осон кечмади, бунинг учун дастлаб эски Марғилонга яқин, ана шу шаҳар билан Ёрмозор қишлоғи орасидаги жой танланди. Маҳаллий аҳоли яшайдиган шаҳарга туташ қилиб руслар манзилгоҳини барпо этиш одатидан воз кечилганлигига бир жиҳати санитария шароитлари сабаб бўлди. Қўқондаги номатлуб санитария шароити рус маъмурий марказини вилоят ва хонликнинг эски пойтахти ёнида барпо этиш фикридан воз кечишга сабаб бўлди<sup>1</sup>. Скобелев шаҳри Туркистондаги барча шаҳарлар ичида мусаффо ичимлик суви ва энг яхши табиий шароитлари билан ажралиб турган. Русларнинг шаҳри аввалги ҳаёти марказдан четроқда қад кўтарди ва шу сабабли нуқул давлат хизматидаги шахслар ва уларнинг оилалари яшайдиган соф маъмурий марказ бўлиб қолди. Ҳолбуки, Андижон ва Қўқон шаҳарларининг руслар яшайдиган қисми маҳаллий миллат одамлари истиқомат қилиб келган шаҳарларга бевосита яқин жойлашганлиги боис, йирик савдо пунктларига айланди. Айниқса, Қўқон ривожланган ижтимоий ҳаёт маркази бўлиб қолди, ҳатто санитария жиҳатидан анча мақбул деб топилган Скобелев шаҳрига мўлжалланган жойдан ҳам санитария жиҳатидан яхши бўлиб чиқди.

<sup>1</sup> Бартольд В.В. Сочинения. Том II. Часть 1. – М.: Издательство Восточной литературы, 1963. – Б. 336.

<https://conferencea.org>

Масальский Фарғона вилоят шахрини барпо этиш учун жуда қулай жой танланди (мазкур шаҳар «турмуш шароитлари бўйича Туркистонда биринчи бўлмасида, дастлабки ўринлардан бирини эгаллаб турибди»), деб айтган бўлсада, «Скобелевда савдо-сотик ва саноат билан боғлиқ ҳаёт бир мунча заиф» деб эътироф этади<sup>2</sup>. Шундай қилиб, Туркистон иқтисодий ҳаётида биринчи ўринни эгаллаб келган, вилоятда руслар барпо этган ва асосан руслар яшайдиган шаҳар савдо-саноат аҳамиятига эга эмас эди, ҳисоб.

Айни бир вақтда савдо-саноат ҳаёти жамланган Қўқон, Наманган ва Андижон шаҳарларида руслар маҳаллий миллат аҳолисига қиёсланганда ҳаддан зиёд камсонли эди. Тўғри, мазкур шаҳарларнинг ҳар бирида (Қўқонда 1885 йилдан эътиборан) руслар яшайдиган қисм бор эди. 1911 йилги маълумотларга қараганда Қўқонда 5220 насроний ва 111390 мусулмон, Наманганда 1157 насроний ва 77139 мусулмон, Андижонда 3700 насроний ва 76540 масулмон яшаган<sup>3</sup>. Юқорида айтганлардан савдо-сотик, саноат ва техника соҳасида рус намояндалари Фарғонада маҳаллий аҳоли турмушига ўз таъсирларини ўткази олмадилар деган маъно келиб чиқмайди. Руслар қишлоқ жойларга ҳам кириб бордилар. Биронта ҳам рус қишлоғи бўлмаган Қўқон уездида 1911 йили 1649, Скобелев уездида 3589 нафар насроний бор эди (бу ҳисобга шаҳардаги насронийлар қирмайди)<sup>4</sup>. Скобелев уездидаги «пахтачилик ва пахта савдоси маркази» бўлмиш Асака қишлоғида 1908 йили «маҳаллий аҳоли саъй-ҳаракати билан биринчи бор Европача намунадаги зўр ирригация иншооти – ғишт ва цементдан, бетон асосида ва темир найзали ирригация иншооти барпо этилди. Бу иншоот Шаҳрихонсой сув олувчи Исо овул авлиё ариғининг бош қисмида барпо бўлди»<sup>5</sup>.

Самарқанд вилоятида Самарқанд, Хўжанд, Ўратепа, Жиззах ва Каттақўрғон сингари эски шаҳарларда руслар яшайдиган қисмлар барпо этилди. Тўғри биргина Жиззах шаҳрида руслар яшайдиган қисм эски шаҳардан уч чақирим нарида эди. Руслар яшайдиган қисмлар ўз ўлчамига кўра Самарқандда бошқаларидан анчагина ажралиб туради. 1908 йилги маълумотларга кўра биргина шу шаҳарда православ дини қавмидаги 11654 киши бор эди (шаҳарнинг умумий аҳолиси 80706 киши), вилоятнинг бошқа шаҳарларидагилар жамланганда православлар 2080 нафар эди, холос (умумий аҳоли 84138 киши)<sup>6</sup>.

Сирдарё вилоятида руслар Сирдарёнинг қуйи этақларидаги XIV асрда йўқолиб кетган шаҳар ҳаётини (бир неча аср мобайнида ҳаёт жўш урган Сўғноқ шаҳридан бўлак)

<sup>2</sup> Ўша асар. – Б. 337.

<sup>3</sup> Ўша асар. – Б. 337.

<sup>4</sup> Бартольд В.В. Сочинения. Том II. Часть 1. – М.: Издательство Восточной литературы, 1963. – Б. 337.

<sup>5</sup> Ўша асар. – Б. 337.

<sup>6</sup> Ўша асар. – Б. 337.

<https://conferencea.org>

тикладилар. Аммо ана шу шаҳарларда – Казалинск ва Перовскда руслар аҳолининг ярмини ташкил этдилар холос, бунга ҳам бирмунча кейинроқ, темир йўл ўтказилганидан кейин эришилди. 1897 йилги аҳолини рўйхатга олиш маълумотларига қараганда, Казалинскда 7585 аҳолидан 2610 нафари, Перовскда 5508 аҳолидан 742 нафари руслар бўлган.

1873 йили Хивага қилинган юришдан кейин ташкил топган Амударё бўлими бошқаруви маркази ҳисобланган Петро-Александровск (ҳозирги Тўрткўл) деган чоғроқ шаҳар (аҳолиси 3 мингга бормайди) нукул руслардан иборат эди. Мазкур шаҳар (дастлаб чоғроқ қалъа бўлган) Шўрахон деган катта қишлоқдан беш чақирим ва бўлимнинг иқтисодий маркази – Чимбой қишлоғидан 243 чақирим нарида қурилганди. Чимбой қишлоғи аҳолиси 1910 йилги маълумотларга қараганда Петро-Александровск шаҳриникидан кўп эди (4 минг киши). Чимбой тумани бўлимнинг ғалла ва шоли маркази ҳисобланган<sup>7</sup>.

Тошкент чор Россияси истило қилгунга қадар ҳам, айниқса, истилодан кейин Сирдарё вилоятида мутлақо алоҳида мавқени эгаллаб турди. Аниқ статистика маълумотлари йўқлиги сабабли Тошкент одами кўплиги жиҳатидан Қўқон хонлигида Қўқоннинг ўзидан ҳам олдинда бўлган-бўлмаганлигини аниқлаш қийин. Ҳар қалай ўша кезлари Сирдарё вилоятидаги ҳеч бир шаҳарни унга қиёслаб бўлмасди. Руслар ҳукмронлиги даврида Тошкент Туркистоннинггина эмас, балки Россия Осиёсининг одам энг кўп яшайдиган шаҳрига айланди. Шаҳарнинг руслар яшайдиган қисми аҳолиси маҳаллий аҳолидан сон жиҳатдан кам эди, аммо секин-аста мазкур шаҳарда яшовчи руслар 50000 кишига етган. Ўлкада рус аҳолиси бунчалик кўп бошқа шаҳар йўқ эди. Шу сабабли ҳам Тошкентда бошқа шаҳарларга қиёслаб бўлмайдиган даражада Европача маънодаги ижтимоий ҳаёт ривож топди. Бу ишга маҳаллий аҳоли намояндалари ҳам қисман жалб этилди. 1870 йил 16 июндаги шаҳар Низоми баъзи ўзгартишлар билан Тошкентга 1870 йилдан кейин тадбиқ этилгач, ўзгаришлар янада кучайди. Ана шу Низомни Тошкент шаҳрига нисбатан қўллашга оид қоидаларга кўра шаҳарнинг руслар яшайдиган қисмидан учдан икки қисми, «осиёликлар» яшайдиган қисмидан учдан бир қисми ошқора сайланди. Ҳар бир ҳолатда суёт сайлов ҳуқуқидан фақатгина тегишли ҳудудда яшовчилар фойдаланардилар. Бу аслида миллий эмас, ҳудудий аҳамиятга молик нотенглик эди. Шаҳарнинг «осиёликлар» яшайдиган қисмига кўчиб борган руслар фаол ва суёт сайлов ҳуқуқи бўйича маҳаллий аҳолига тенглаштирилди. Мазкур қоида шу маънода амалиётда қўлланилди ҳам. Оқибатда Тошкент шаҳар Думаси шундай таркибда қарор топдики, шаҳарга ажратилган маблағлар шаҳарнинг асосан руслар яшайдиган қисмини ободонлаштиришга сарфланди. Шаҳар бошқаруви таркибини

<sup>7</sup> Ўша асар. – Б. 338.

<https://conferencea.org>

аниқлашда ҳам миллий эмас, ҳудудий мезон асос қилиб олинди. Тўғри, дастлабки қоида (генерал-губернаторнинг 1877 йил августидаги буйруғида) маҳаллий миллатга мансуб кишиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган этиб тузилган эди: «Шаҳар бошқаруви аъзолари умумий сонининг учдан бир қисми рус тилини биладиган маҳаллий миллат вакилларидан сайланади», бинобарин маҳаллий миллат вакиллари бошқарув аъзоларининг камида учдан бир қисмини ташкил этмоғи белгилаб қўйилган эди. Мазкур қоидаларнинг қонунчилик даражасида кучга кирган, Давлат Думасининг 5 декабрда олиймақом даражада тасдиқланган фикри асосидаги қоидаларнинг якуни матнида бошқарув аъзолари бўлмиш маҳаллий миллат намояндаларининг рус тилини билиши мажбурий шарт, деб эътироф этилмади: «Бошқарув аъзолари умумий сонининг учдан бир қисми маҳаллий миллат намояндаларидан, кўпроқ рус тилини биладиганлар орасидан сайланади». Одатда бошқарув аъзолари олти кишидан иборат бўлиб, уларнинг 2 нафари маҳаллий миллат вакилларидан эди. 1910-1914 йилги сессияда бошқарувнинг олти аъзосидан фақат биттаси (Мақсудхўжа Отапошшоҳўжаев) маҳаллий миллат намояндаси эди. У саккизинчи сессияда ҳам Думада ишлади. Биринчи сессияга маҳаллий аҳоли намояндаларидан 26 нафари ошкора вакил қилиб сайланган эди, шулардан 20 нафари маҳаллий аҳоли намояндаси ва икки нафари татар миллатига мансуб эди<sup>8</sup>.

Маҳаллий аҳоли учун ана шу зайддаги вакиллик ҳам Европача жамоатчилик таомилларини ўзлаштиришда яхши мактаб бўлди. Туркистоннинг бошқа шаҳарларининг туб ерли аҳолисига нисбатан шундай қоида қўлланилганида борми, мазкур ишнинг аҳамияти ва самараси янада кўпроқ бўлур эди. Аммо бошқа шаҳарларда руслар яшайдиган қисм аҳолиси шунчалик кам сонли эдики, шаҳар бошқарувини Тошкент намунасида ташкил этишнинг иложи йўқ эди. Ҳатто юз минг киши яшайдиган Қўқон шаҳри ҳам Тошкентда 1870-1877 йилларда амал қилган «шаҳар хўжалик бошқаруви» билан кифояланишга мажбур бўлди. Туркистон маъмурияти Кауфмандан кейин шаҳар ўз-ўзини бошқарувини янада ривожлантиришга кўмаклашишни лозим топмаганидан ташқари Тошкент шаҳар Думасининг фаолият кўрсатишида ҳам, 1886 йил 12 июндаги Низом билан жорий этилган маъмуриятдан мустақил рус судининг бўлишини ҳам ўз обрў-эътиборига раҳна солувчи нарса деб қаради. Генерал-губернатор барон Вревский (1889-1898) даврида Тошкент шаҳар Думасини тугатиш ёки ҳеч бўлмаганда 1870 йилги либерал Низомни 1892 йилги Низом билан яъни, суднинг маъмуриятга бўйсунуви тўғрисидаги Низом билан алмаштириш ҳақида, ёхуд ҳеч бўлмаганда ички Россия намунасида андоза олиб, ерлик бошлиқлар тўғрисидаги Низомни ташкил этиш масаласи кўтарилди. Рус ҳокимияти томонидан қозилик ва

<sup>8</sup> Бартольд В.В. Сочинения. Том II. Часть 1. – М.: Издательство Восточной литературы, 1963. – Б. 339.

бийлик лавозимини сайлов тартибида эгаллаш қоидасига ҳам барҳам бериш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Маъмурият зўр беришига қарамай бу лойиҳалардан биронтаси ҳам ҳаётга жорий этилмади. Тошкентда Думанинг котиби 1912 йили шаҳар ўзини ўзи бошқарувининг 35 йиллиги муносабати билан шу нарсани алоҳида таъкидлаб ўтдики, Тошкент «ҳозирги вақтда 1870 йилги шаҳар тўғрисидаги Низом амал қилиб турган империядаги бирдан бир ва ягона шаҳардир»<sup>9</sup>.

Бошқа ҳар қандай ўлкага нисбатан Туркистонда ақлий меҳнат билан боғлиқ ҳаёт биргина шаҳарда жамланган эди. Тошкентдан Туркистоннинг бошқа жойларига жўнаб кетиш вилоятга, хилватга жўнаш ҳисобланарди. Бу иборани ҳатто Тошкентнинг ўзига хос жиҳатларидан бири ҳисобланган матбуотда ҳам ишлатилар эди. Бошқа шаҳарларда газета чиқариш йўлидаги саъй-ҳаракатлар том маънода муваффақият келтирмади (бу борада Самарқанд ва кейинчалик Фарғона шаҳри озми-кўпми ютуққа эришди). Тошкентда цензуранинг шартлари ниҳоятда оғир ва номақбул эканлигига қарамай, газеталардан ташқари журналлар ҳам чиқиб турди, шунингдек кўплаб илмий жамиятлар ва тўғараклар ҳам ўз нашрларини чоп этдилар. Тўғри журналлар ўз фаолиятини пухта таъминлай олмаганлиги ҳам сезилиб турарди. Аммо ана шу барча ижтимоий ҳаёт шаҳарнинг руслар яшайдиган қисмида жамланган бўлиб, бу ҳаётга маҳаллий миллат намояндаларини тортиш йўлида тузукроқ ҳаракат қилинмади. Ҳатто маҳаллий миллат намояндаларининг ижодий фаолиятдан фойдаланган расмий «Туркестанская туземная газета»нинг муҳаррири, «маҳаллий аҳоли орасидан чиққан ходимларга ишониб бўлмайди ҳисоб, негаки улар матбуотнинг шарт ва шароитларини билмайдилар, тайёрлаган хабарлари шахсий ҳисоб-китобларидан холи бўлмайди»<sup>10</sup>, деб ёзган эди. Жамоатчиликнинг Европача шакллари сингдиришни Европача мактаблар борасида бўлгани каби руслар ўрнига татарлар ўз зиммаларига олдилар. 1906 йил билан 1908 йил оралиғида нашр этилган татар газеталарининг туриш-турмуши маъмурларнинг фармойишларини чоп этиш билан овора эди. Янги усул татар мактабларининг ҳаёти қисқа вақт ичида ўқитувчи талабалар мансуб бўлган миллатдан бўлиши керак, деган бемисл фармойиш билан тўхтатиб қўйилиши мумкин эди. Мусулмон хайрия жамиятлари ёки ўша кезлари қисқартириб мусулмон жамиятлари деб юритилган жамиятларга қарши кураш учун қонуний замин топиш янада қийин бўлди. Дарҳақиқат ана шу жамиятларни татарлар хайрия мақсадларидан ҳам кўра кўпроқ мусулмон халқлари бирдамлиги ғоялари муваффақияти учун ташкил этган эдилар. Булар мусулмонларнинг тарқоқ кучларини жамловчи ячейкалар эди. Рус консерватизми вакиллари «Россия мусулмон аҳолиси алоҳидалиги»га имкон берувчи барча

<sup>9</sup> Ўша асар. – Б. 340.

<sup>10</sup> Бартольд В.В. Сочинения. Том II. Часть 1. – М.: Издательство Восточной литературы, 1963. – Б. 340.

<https://conferencea.org>

нарсаларни, шу жумладан мусулмонлар учун ўзаро ёрдам жамиятларини ва айниқса, хайрия жамиятлари ва кироатхоналарни номатлуб деб топар эдилар. Бироқ энди мусулмонларнинг алоҳидалиги ва татарларнинг бу жабҳадаги фаолияти муваффақиятига кўп жиҳатдан русларнинг ўзи кўмак бердилар. Негаки, улар Туркистон шаҳарларининг руслар ва маҳаллий миллатга мансуб одамлар яшайдиган қисмлари ўртасида туб ерли аҳоли учун мақбул асосларда алоқа ўрнатиш ташвишини қилмадилар. Тошкентда мусулмон хайрия жамияти 1909 йилдан эътиборан иш олиб борди. Унга маҳаллий савдогар бойлардан Саидкарим Саидазимбоев (унинг отаси Саидкарим ва Саидғани деган ўғиллари ҳамда куёви Орифхўжа билан биргаликда рус таъсирининг ва рус мактабларининг тарафдори ҳисобланади) татарларнинг таъсири остида вужудга келди<sup>11</sup>.

Сирдарё вилоятининг рус истилосига қадар мавжуд бўлган шаҳарларининг ҳар бирида (Туркистон, Чимкент, Авлиёота) руслар яшайдиган қисмлар ташкил топди. Эътиборли жиҳати шундаки, Октябрь тўнтаришига қадар ўтказилган маъмурий бўлинишга кўра вилоятда аҳоли сони жиҳатидан иккинчи ҳисобланган Туркистон шаҳри (аҳолиси 20000 га яқин киши) қолган икки шаҳарга нисбатан рус аҳолиси кам эканлиги боис уезди йўқ шаҳар, деб эътироф этилган эди. Даставвал Қурама ёки Тошкент уездида муҳим уезд шаҳри бўлади, деб мўлжалланган эди. Негаки, Тошкент уезддан алоҳида бошқаруви бўлган, шаҳар бошлиғи ҳам алоҳида тайинланадиган шаҳар бўлиши керак эди. 1867 йили ўша кезлари 2000 хонадон истиқомат қилган Тўй тепани Тошкент уездининг уезд шаҳри бўлади, деб мўлжал қилинган эди. Қурама уездининг бошлиғи 1886 йилги Низом жорий этилгунга қадар амалда Қўйликда яшади. Бироқ Қўйлик шаҳарчага айланмади ва ўша пайтларда «чоғроқ қишлоқ»лигича қолаверди. Ҳолбуки, уезд бошлиғининг уйи катта боғлар қуршовида бўлиб, саройга ўхшаб кетарди<sup>12</sup>.

Етисув ва Каспийорти вилоятларида руслар қадимий шаҳарларнинг харобаларини топдилар холос. Ҳатто Қўқон хонлиги Чу водийсида ва Норин дарёси бўйида XIX асрда қурдирган қалъалар атрофида руслар келгунга қадар қишлоқлар таркиб топган эди. Уларнинг энг йириги ҳисобланган Пишпекда 1000 га яқин хонадон бор эди. Хонликнинг мустамлакачилик сиёсатидан қирғизлар шунчалик норизо эдиларки, Қўқон хонлиги қалъалари таслим бўлиб, уларни эгаллаб турган навкарлар кетгач, қирғизлар «сартлардан қолган қишлоқларни ер билан текислаб, яйловга айлантирганлар, қишлоқлардан эндиликда асорат ҳам қолмаган эди»<sup>13</sup>. Таассуфки, хонлик мустамлакачилиги қирғизлар учун янада номатлуб рус мустамлакачилиги билан

<sup>11</sup> Ўша асар. – Б. 341.

<sup>12</sup> Ўша асар. – Б. 341.

<sup>13</sup> Бартольд В.В. Сочинения. Том II. Часть 1. – М.: Издательство Восточной литературы, 1963. – Б. 341.

<https://conferencea.org>

алмашди. Или дарёсининг жанубидаги жойларда мустаҳкам ўрнашиб олиш асносида 1867 йили Туркистон генерал-губернаторлиги Верный ва Тўқмоқ уездларини ташкил этди. 1854 йили қурилган Верный қалъаси Верный шаҳрига айлантирилди ва у янги ташкил топган Етгисув вилоятининг асосий шаҳри бўлиб қолди. Маҳаллий миллатга мансуб одамлар янги шаҳарни Алматы деб юрита бошладилар. Маълумки, Чу дарёсининг ирмоғи Или сув ҳавзасига оқиб ўтадиган Улкан Кебин дараси, кўл ва Илининг Каскеленга бориб қуйиладиган ирмоғи, шунингдек Катта ва Кичик Алматы дарёлари теграсидаги жойлар илгари шундай деб аталган. Одамлар яшаган эски қароргоҳнинг қолдиқ харобалари шаҳарнинг жануби-ғарбида, Катта Алматы дараси рўпарасида жойлашган. Ўзбеклар ўзларининг тижорий мақсадлари учун русларнинг Етгисувда қарор топишини макул деб топган ва шунга анчагина олдиндан интилган эди. В.В. Радлов 1862 йилдаёқ Копалда кўплаб мусулмон савдогарларини кўрган, улар орасида тошкентликлар сони бошқалардан анчагина ортиқ эди. Ҳатто Семипалатинск татарлари ҳам сон жиҳатдан уларга тенглаша олмасди. Ўзбеклар Верный шаҳрига танда кўйдилар. Бу ерда 1871 йилдаёқ улар сон жиҳатдан қозоқлардан (403 киши) анчагина кўп, яъни 565 нафар эди. Шунга қарамай аҳоли орасида руслар кўпчилигича қолаверди, бинобарин 1911 йили шаҳар жами аҳолисининг (35000 дан зиёд) йигирма олти минги руслар эди. Верныйда рус аҳолиси кўп эканлиги оқибатида Туркистон Епархияси таъсис этилаётганда (1872 йил) мазкур шаҳар архиерейнинг қароргоҳи учун танланди. Шунингдек, миссионерликка қаршилиги билан ажралиб турувчи генерал-губернатор Кауфман Тошкентда архиерейларни ҳам, жандармларни ҳам (қўриқлов бўлими Тошкентда 1907 йилнинг охиридагина пайдо бўлган) Тошкентда кўришни истамасди. Епископнинг Верный шаҳрида бўлиши Туркистон учун алоҳида бир аҳамият касб этди, дейиш мумкин. 1885 йили Иссиқ кўлнинг шимолий соҳилида, Курмекта дараси қаршисида, эски қалъа яқинида Святотроицк миссионерлик монастири очилди ва унга каттагина майдондаги ер амлоки ажратилди. Монастирда 1902 йили 9 та роҳиб ва 2 та шогирд бўлган. Орадан етти йил ўтгач, шогирдлар сони 13 тага кўпайган. Архиерей кафедраси ҳам, монастир ҳам маҳаллий миллат одамларининг маданий ҳаётига ҳеч қандай таъсир ўтказмади. Монастирда асаларичилик бироз ютук келтирди холос<sup>14</sup>. Тошкент шаҳар ўз-ўзини бошқаруви епископнинг Верныйда бўлишини кейинчалик ўз шаҳарларининг пойтахт рутбасидаги ҳуқуқларининг бузилиши, деб топдилар ва епископни Тошкентга кўчириш масаласини кўтардилар. Архиерей уйи қуриш учун мўмайгина маблағ тайинланишига ваъда берилди.

<sup>14</sup> 1910 йилнинг ўрталарида монастир ҳузурида қозоқ болалари учун интернат типдаги мактаб очиш мўлжалланган эди. Афтдан миссионерлик мақсадини кўзловчи бу мактабни ташкил этиш нияти амалга ошмай қолди. (В.В. Бартольд шарҳи).

<https://conferencea.org>

Еттисув жанубий-ғарбий уезди бошқаруви аввалига Тўқмоқда эди. Радловнинг фикрича, шаҳар қурилиши учун муваффақиятсиз жой танланган. Қўқон хонлигига қараган аввалги қалъа тоғ яқинида, кўркам жойда эди. Русларнинг Тўқмоқ шаҳри эса Чу дарёсининг шундоққина соҳилида ботқоқликда барпо этилди<sup>15</sup>. Кейинчалик уезд бошқаруви хонликка қарашли қалъа яқинида 1878 йили асос солинган Пишпек шаҳрига кўчирилди. Натижада кейинчалик уезд ҳам Пишпек номи билан юритиладиган бўлди. Тўқмоқ эса уезд шаҳри деган номдан қутулиб, савдо-сотик манзилгоҳига айланди. Пишпекда 1897 йили 6163 аҳолидан 2563 нафари руслар бўлган бўлса, 1910 йилда 14000 аҳолидан 8000 дан кўпроғи руслар эканлиги маълум<sup>16</sup>. Қўрғонлар ва ўтмишнинг бошқа қолдиқлари жойлашган ердан, шу жумладан, кўҳна қабристонлардан шу нарса аён бўладики, Ўрта асрларда ҳаёт ҳозирги Пишпек ва Тўқмоқдан жануброқда қизгин кечган кўринади. Улар ўртасидаги йўллар тоғлар яқинидан ўтганлиги ҳам шундан далолатдир. Иссиқ кўлнинг жануби-шарқидаги Қорақол ҳам шунга ўхшаш янги шаҳардир. Қорақол дарёси бўйида қад кўтарган бу шаҳар машҳур рус сайёҳи Н.М. Пржевальский вафотидан сўнг (1888 йил) Пржевальск деб номланди. Радловнинг гапларига қараганда, бу шаҳарни шарқий томондан бирмунча нарироқда, Оқсу бўйида қуришни мўлжаллашган экан. Радлов бу ерларга келганда (1869 йил) Қорақолда эндигина дастлабки уйлар қурилган бўлиб, амалдорлар ўтовларда, аскарлар эса чодирларда яшашган. Иссиқ кўл уездининг асосий пункти Оқсу шаҳри бўлган. Шаҳардан саккиз чақирим нарида, Қорақол дарёси бўйида татарлар яшайдиган манзилгоҳ бўлган. Романовскийнинг асарларида эса (1867 йил)<sup>17</sup> харитада Оқсу қалъаси қайд этилган, Қорақол эса кўрсатилмаган. Березиннинг 70- йилларга мансуб энциклопедик луғатида Қорақол Иссиқ кўл уездидаги «қўшинлар лик тўла чегара пункти деб аталган». Ўша 70- йилларнинг охирида бу ерда 2777, Березин луғатига кўра 4201 одам яшаган, 1910 йилга келиб унинг аҳолиси 15000 кишига етган, улардан қарийб 6000 и руслардир<sup>18</sup>.

Шундай қилиб, чоризм истилоси Еттисувда ўзбек дехқончилигини йўқ қилди, аммо ўзбек шаҳарликлар ва савдогарлар қароргоҳлари кенгайишига кўмак берди. Верный шаҳрида 1879 йилдан эътиборан шаҳар Низоми амал қилди, шаҳар бошлиғи, Думаси ва бошқаруви фаолият кўрсатди. Еттисувнинг бешта уезд шаҳрида 1892 йилги Низом бўйича бир мунча соддалаштирилган жамоат бошқаруви жорий этилди, шаҳар оқсоқоллари фаолият юритди. 1902 йили бешта шаҳардан фақат биттасида (Копалда) мусулмонлардан чиққан бир одам шаҳар оқсоқолига ёрдамчи бўлди, икки йилдан кейин

<sup>15</sup> Бартольд В.В. Сочинения. Том II. Часть 1. – М.: Издательство Восточной литературы, 1963. – Б. 342.

<sup>16</sup> Ўша асар. – Б. 342.

<sup>17</sup> Ўрта Осиёнинг чегара қисмлари ҳам кўрсатилган Түркистон ҳарбий округи харитаси. (В.В. Бартольд шарҳи).

<sup>18</sup> Бартольд В.В. Сочинения. Том II. Часть 1. – М.: Издательство Восточной литературы, 1963. – Б. 343.

эса шаҳар оқсоқоли рутбасига эришди. Верный шаҳрида ва бешта уезд шаҳрида шаҳар ғарибу ғураболар судларининг аъзолари орасида мусулмонлар бор эди.

Каспийорти вилояти Еттисув вилояти билан бир хил шароитда эди. Биргина фарқи бу ерда руслар ҳукмронлиги даврида ҳам шаҳарлар унча кўпаймади. Вилоят шаҳри Ашхободдан ташқари Красноводск ва Марв уезд шаҳарлари пайдо бўлди. Манғишлок ва Тежен уездлари бепаён майдонларга эга бўлсада, уларда шаҳарлар бутунлай йўқ эди. Манғишлок уезди бошқаруви маркази бўлмиш Александровский форти расмий доиралардагина шаҳар деб юритилар эди. 1881 йили асос солинган Ашхобод шаҳри муайян маънода гуллаб-яшнади. Матбуотда Ашхободни «Туркистондаги бошқа шаҳарларга нисбатан (бундан Тошкент мустасно эмас) тезроқ тараққий этганлиги» факти қайд этиб ўтилган. 1897 йилги аҳолини рўйхатга олиш маълумотларига қараганда бу ернинг аҳолиси 19426 киши бўлган. Ҳолбуки, Тошкентнинг руслар яшайдиган қисмида 1890 йили, яъни асос солинганидан йигирма беш йил ўтгач, аҳоли сони бир мунча кам (12981) эди. Каспийорти темир йўли орқали ташиладиган юкларни маълум даражада камайтирган Оренбург-Тошкент темир йўли қурилганидан кейин ҳам бу нарса Ашхободнинг ривожланиб боришига таъсир этмади. 1911 йилга келиб, шаҳар аҳолиси сони 44000 га етди, уларнинг бешдан бир қисмичаси, яъни 9000 нафари руслар эди. Ашхобод ўсиб кенгайиб боришининг асосий сабаби, Кавказорти ва Эрондан муҳожирлар кўплаб келишида бўлиши керак. 1897 йилги аҳоли рўйхатидан кейин 1911 йилгача бўлган даврда православ динига мансуб аҳолининг фоизи пасайиб борганлиги (8,9 % дан 8,1 % га) бутун Каспийорти вилояти учун хос бўлди. 1897 йилги аҳоли рўйхати маълумотига қараганда мазкур вилоятда русларнинг сони бошқа миллат кишилари сонига нисбатан озгина бўлса ҳам ортиқ эди (33273 га 31488 нисбатда). 1911 йилга келиб бошқа миллат намояндалари сони руслардан қарийб 25 % га кўпайди (50152 га 41671 нисбатда). Бунга форслар муҳожироти кўп жиҳатдан сабаб бўлди, дейиш мумкин. Зотан бу вилоятда форслар сони 1894 йилдан эътиборан уч баравар кўпайди (24350 га 8600 нисбатда). Туб ерли аҳоли – туркманлар орасида шаҳарларда яшайдиганлари 1897 йилги аҳоли рўйхатига қараганда бармоқ билан санарли, яъни 1432 нафар эди<sup>19</sup>.

Ашхободнинг зиёли доиралари Туркистондаги бошқа шаҳар зиёли доираларига нисбатан Тошкент зиёлилари билан анчагина муваффақиятли тарзда рақобат олиб борди. Яхшигина кутубхона ва музей ташкил топди, уларга Самарқанддагидан ҳам барвақтроқ алоҳида бино қуриб берилди (Тошкентда Октябрь тўнтаришига қадар бундай бино қурилмаган), газета ва журналлар чоп этилди, илмий жамиятларга асос солинди. Рус аҳолиси нуқтаи назаридан Ашхободда кучларнинг тарқоқлиги

<sup>19</sup> Бартольд В.В. Сочинения. Том II. Часть 1. – М.: Издательство Восточной литературы, 1963. – Б. 344.

<https://conferencea.org>

ажабланарли эди. Иккита хусусий газета (биттасига субсидия ажратилар эди) – «Закаспийское обозрение» ва «Асхабад» газеталари нашр этиларди. 1902 йили олдига қўйган вазифалари деярли бир хил иккита илмий жамият, хусусан «Каспийорти ўлкаси тадқиқотчилар жамияти» ва «Каспийорти археология ва тарих ошуфталари тўғараги»ни таъсис этишга ҳаракат қилинди. Ҳар иккаласи ўз фаолиятини мустаҳкамлаб боришга муваффақ бўлмади. Тўғарак орадан 10 йил ўтгач, Биринчи жаҳон уруши даврида ўз фаолиятини тиклашга уриниб кўрди ва баённомалардан учтасини чоп этишга улгурди. 1903 йили «Закаспийское обозрение» газетаси муваффақиятсиз чиққан бўлсада, форс тилида газета чиқаришга уриниб кўрди. Очиғини айтганда унда рус тилидаги асл матндан форсчага материаллар таржима қилиб берилди, таржиманинг сифати кўнгилдагидек бўлмади.

Каспийорти вилоятининг 1884 йили асос солинган Марв шаҳри аҳолисининг (16000 дан 5500, 1897 йилги аҳолини рўйхатга олиш маълумотларига қараганда 8553) учдан бир қисмини руслар ташкил этарди<sup>20</sup>. Шаҳар савдо-сотик учун муайян даражада аҳамиятга эга бўлгани билан, интеллектуал жабҳада фаолият юритувчилар учун мос эди, деб бўлмайди. Рус миллатига мансуб бўлмаган аҳоли кўплиги нисбатан кўп одам яшайдиган Ашхободда (аҳоли сони жиҳатидан Верный шаҳрини ҳам ортда қолдирган) шаҳар ўз-ўзини бошқарув тизими жорий қилинмаганлигига сабаб бўлган кўринади.

Туркистон ижтимоий ҳаётининг маркази – Тошкент шаҳрида рус шаҳар турмушининг маҳаллий аҳоли турмушига сингишини кузатиш қийин эмас. Рус тилини татар зобити Еникеевдан ўрганган дастлабки маҳаллий зиёли Сатторхон (асл исми Абдусатторхўжа) Абдулғаффоров дастлаб Чимкентда яшаган ва ўша ерда Туркистонда биринчи бор очилган рус-тузем мактабида ўқитувчилик қилган (1874-1876). Сатторхон бошқа уч нафар миллатдошлари билан бирга 1876 йилда Петербургга Шарқшуносларнинг халқаро конгрессига боради. Унинг шерикларидан бири тошкентлик оқсоқол Муҳаммадқулов, иккинчиси Китобнинг собиқ ҳукмдори, кейинчалик рус ҳарбий хизмати генерали, истефога чиққанидан кейин ҳам генераллик уст-бошини ечмаган, рус тилида яхши гапирадиган Жўрабек (1906 йили Тошкент яқинидаги Қорасув бўйидаги чорбоғида ўлдирилган) ва қирғиз Ниёзов эди.

Туркистонга темир йўл ўтказилиши суръати кутилган даражада бўлмади. Каспий денгизидан тортиб келинган темир йўлнинг сўнгги нуктаси узоқ вақтгача (1888-1899) Самарқанд бўлиб қолаверди. Ўлканинг пойтахти – Тошкент билан почта алоқаси йўлга қўйилган эди холос. XX асрга келиб, Туркистонга Россиянинг Европа қисми билан Оренбург орқали узлуксиз темир йўл ҳаракати ўрнатилди. Сибирь билан бундай алоқани йўлга қўйиш вазифаси ўз ечимини кутмоқда эди. Еттисув ва Авлиё ота уезди

<sup>20</sup> Ўша асар. – Б. 344.

<https://conferencea.org>

(унинг ғарбий чегара минтақасини эътиборга олмаганда) анча пайтгача темир йўл тармоғидан четда қолаверди. Самарқандга темир йўл ўтказилганлиги Ғарбий Европадан сайёҳларни жалб этишга туртки бўлди.

Шундан кейин кўп ўтмай маҳаллий миллат намояндалари Ғарбий Европага йўл олдилар. Хусусан, тошкентлик савдогар Тожимуҳаммад Исамуҳамедов 1900 йили Париж кўрғазмасига борди, у ердан Лондонга ўтди. 1902 йили Н.П. Остроумов поездда Париж, Вена ва Берлинга қилган сафаридан қайтаётган наманганлик савдогарга ҳамроҳлик қилганлигини ёзади. Наливкиннинг шохидлик беришича, ўшандан буён маҳаллий миллат намояндаларининг ўтrockлиги, бошқа жойларга сафар қилишни хушламаслиги ўтмиш қаърига сингди<sup>21</sup>.

Каттагина кутубхонаси бўлган, кўпгина тарихий асарларни ўқиган Жўрабекнинг рус бошқарувини мўғиллар бошқарувига қиёслаши бежиз эмасди. Унинг сўзларига қараганда мўғиллар ҳукмронлик қилган пайтлардагидек руслар ҳукмронлиги даврида ҳам лўттибоз одамлар сохта садоқат изҳори воситасида ёт миллатга мансуб истилочиларни алдашга муваффақ бўлдилар ва уларнинг ҳомийлиги остида ўз қабиладошларига зуғум ўтказиб бордилар. Ҳеч қанақа расмий ваколатга эга бўлмаган ва руслардан ўзини чеккароқ тутувчи туркман кадхудолари<sup>22</sup> пул эвазига оғдириб олиш ва русларнинг ҳомийлиги ёрдамида маъмурий ишларда ёки судларда лавозимга сайланган шахсларга нисбатан халқ орасида кўпроқ обрў-эътибор ва ҳурматга сазовор эди. Ҳатто чўл ҳудудларида ҳам руслар ҳукмронлик қилган пайтларда ҳукмдор зодагонлар (аткамнорлар) пайдо бўлиб, аввалги уруғчилик тартиботини ўзгартиришга ҳаракат қилдилар. Шаҳарларда савдо-сотик кенгайиб борганидан табиийки, кўпроқ бойлар фойдаланиб қолдилар. Фарғонада бойлар синфи қўли кадоқ дехқонлар билан пахта ҳосилини кўтарасига олувчи руслар ўртасида воситачи бўлиб қолди. Тошкентдаги савдогарларнинг кўпларида илгари кўрилмаган сармоялар пайдо бўлди, ўлка билимдонларидан бирининг сўзларига қараганда, илгари Тошкентда «10-15 минг рубли бўлган одамлар йирик бой ҳисобланарди, эндиликда маҳаллий аҳоли ўртасида бой бўлиб танилиш учун камида ярим миллиони бўлиши керак»<sup>23</sup>.

Н.П. Остроумовнинг ўзбеклар тўғрисидаги ёзма асарларида руслар таъсири остида асосан бадавлат хонадонларнинг ташқи фасадида содир бўлган ўзгаришлар ҳақида сўз юритилади. Хусусан, кўчага қараган деразалар пайдо бўлган, меҳмонхоналар мебель билан жиҳозлана бошлаган. Хонадон соҳибининг хос хонаси Европача кўринишда безатилган. Н.П. Остроумов Тошкентнинг руслар яшайдиган қисмидаги

<sup>21</sup> Бартольд В.В. Сочинения. Том II. Часть 1. – М.: Издательство Восточной литературы, 1963. – Б. 345.

<sup>22</sup> Кадхудолар – оқсоқоллар. (И. Р.).

<sup>23</sup> Бартольд В.В. Сочинения. Том II. Часть 1. – М.: Издательство Восточной литературы, 1963. – Б. 346.

<https://conferencea.org>

Орифхўжабойнинг уйини ибратли мисол тариқасида келтиради. Бу уй ташқи кўринишидан иккита элатнинг яқинлашуви рамзидек туюлади. Уйнинг биринчи ярми ҳам ички ҳам ташқи тарафдан рус уйлари намунаси асосида барпо этилган. Уйнинг аёллар учун мўлжалланган бошқа қисмида эса руслар таъсири йўқ, ҳисоб: гарчи мўлжалланган бўлса ҳам кўчага қараган деразаси йўқлигини айтиш кифоя. Н.П. Остроумов фикрича, «бундай кўчага қараган ромларни ўтказиш зарур бўлган фурсат келади, аммо ҳаммаси ҳам бирданига содир бўлмайди, белгилаб олинган меъёрга ҳам дафъатан риоя этилмаслиги мумкин»<sup>24</sup>. Русларнинг айрим шахслар ҳаётига эмас, балки умумшаҳар ҳаётига таъсири даражасини шаҳарларнинг маҳаллий миллатга мансуб аҳоли яшайдиган қисми ташқи кўринишидаги ўзгаришлар равшан кўрсатади.

Тошкентда маъмуриятнинг фармойишлари асосида шаҳар қурилишида анча ўзгаришлар амалга оширилди. Бозорга олиб борувчи кўчалар анча кенгайди. Бу ишларда шаҳар ўзини-ўзи бошқаруви ҳаракати муҳим рол ўйнади. Айтиш жоизки, маъмурият бундай чора-тадбирларни Тошкентдан бўлак шаҳарларда ҳам қўллади. Чунончи, Самарқандда 80- йилларнинг бошларида шаҳарнинг шимолӣ қисмидаги кўча кенгайтирилган, Тошкентга олиб борувчи йўл билан бозор ўртасидаги ана шу кўчани кенгайтиришда шайбонийлар сулоласига мансуб хонларнинг даҳмасини янги жойга кўчиришга тўғри келди – бу ишни рус маъмурлари маҳаллий аҳолининг обрў-эътиборли кишилари билан келишиб амалга оширди. Қайта қуриш билан боғлиқ баъзи масалаларда ўрни келганда шариат пешволарига расмий мурожаат қилинди. Хусусан, Тошкент шаҳрининг бошлиғи 1886 йилда вақфга берилган ерларда қурилган дўконларни, бозорларда қайта қуриш ишларини олиб боришда бузиш ёки кўчириш зарурати бўлганда қандай йўл тутиш ҳақидаги масалани ойдинлаштириш учун шундай йўл тутди. Бозор кўчаларини кенгайтириш ва тўғрилаш, табиийки, ён атрофдаги кичик кўчалар ҳисобидан амалга оширилди. Шу зайл шаҳар тузилмаси режаси бир мунча ўзгарди. 1868 йили Самарқандда, Вяткиннинг тадқиқотларига қараганда, «кўчаларнинг, ҳатто иккинчи даражали кўчаларнинг жойлашуви» шайбонийлар даврида қандай бўлган бўлса, шундай ҳолида эди. Бундан ташқари гувала урилган деворлар, уйлар ҳамма жойда секин-аста йўқотила борди. Ўрта асрларга хос шаҳарларнинг анъаналаридан қочиб, янгича, Европача ўзанда олиб борилган бу ишлар шаҳарларни соғломлаштириш учун шарт эди. Табиийки, бундай янгиликларни ёқтирмаслик ҳоллари ҳам бўлди. Кечалари тақа-тақ беркитиладиган дарвозалари бўлган шаҳар деворлари йўқ қилинди.

Рус ҳокимияти дастлаб Тошкентнинг эски шаҳар қисмида полиция назоратини маҳаллий миллатга мансуб арбоблар ихтиёрида қолдиришга мойил эди. 1886 йилги

<sup>24</sup> Ўша асар. – Б. 346.

Низомга асосан оқсоқоллар сайловининг номини биров ўзгартириш билан чекланилди. Шуниси ҳам борки, катта оқсоқол полиция бошлиғи ҳисобланарди, полициячилар қаторида хизмат қилаётган маҳаллий миллат намояндалари унга бўйсунарди. Бу ҳолат 1882 йили ўзгартирилди. Бу шаҳар ободонлигини таъминлаш мақсадида эмас, балки аҳолининг сиёсий кайфиятини кузатиб туриш муддаоси билан шундай қилинди.

Чор маъмурлари учун кутилмаганда вабо билан боғлиқ исён кўтарилди. Манбаларга қараганда, ўшанда оломон иккита эшоннинг раҳбарлиги остида ҳаракатга келган ва ғазовотга даъватлар янраган. Ана шу воқеадан кейин полицияга раҳбарлик вазифаси оқсоқоллардан олиб қўйилиб, рус полицеймейстерига берилди. Унга иккита пристав ҳамда приставларнинг икки ёрдамчиси ҳамкорлик қиладиган бўлди. Ҳаётда эски шаҳар полицеймейстерини шаҳар бошлиғининг ёрдамчиси, деб юритишар эди. Маҳаллий аҳоли кўпинча уни уезд бошлиғи, ҳоким деб атарди. Шаҳарнинг маҳаллий аҳоли яшайдиган ҳам, руслар яшайдиган ҳам қисмидаги полиция штати асосан маҳаллий миллат кишиларидан иборат эди.

Шаҳарнинг ичимлик сув таъминоти Тошкентда шаҳар бошқарувининг алоҳида эътибори ва ғамхўрлигидаги масала ҳисобланарди. Ирригация иншоотлари устидан назорат маҳаллий аҳоли орасидан қўйилган ариқ оқсоқоллари кўлида эди. Шаҳар бошлиғи Н.Г. Маллицкийнинг 1909 йилга оид маълумотномасида бу ишга «Европача гидротехника билимини эгаллаган мутахассис муҳандис»ни жалб этилса яхши бўларди, деган истак билдирилган.

Кўчаларни ёритиш масаласида шаҳар қисмлари ўртасида нотенглик яққол намоён бўлди. Шаҳар ўзини ўзи бошқариш тизими жорий этилгунга қадар эски шаҳарда битта ҳам фонар бўлмаган. 1887 йилнинг охирларида шаҳардаги 606 фонардан фақат 100 таси эски шаҳар кўчаларини ёритган. 1905 йили керосинли фонарлар расм бўлгач, уларнинг ҳаммаси руслар яшайдиган қисмга жойлаштирилди. 1909 йил 1 январга бўлган ҳолатга кўра шаҳардаги 321 та шундай фонардан 297 таси руслар яшайдиган қисмини чароғон атарди. Эски шаҳардаги 24 та фонар руслар яшайдиган қисмдан эски шаҳардаги бозорга олиб борувчи Шайхонтоҳур кўчасига ўрнатилган экан<sup>25</sup>.

1894 йили Тошкентда почта телеграф идораси очилди (почта бўлими олдинроқ, 1892 йил иш бошлаган эди), бу шаҳарнинг маҳаллий аҳоли яшайдиган қисми учун катта аҳамиятга эга бўлди. Мазкур идоранинг фаолияти маҳаллий аҳоли турмушини руслар турмуши билан яққол қиёслаш имконини беради. 1909 йили эски шаҳар қисмида газеталарнинг 24204 сони сотиб олинди, шуларнинг учдан икки қисми мусулмон

<sup>25</sup> Бартольд В.В. Сочинения. Том II. Часть 1. – М.: Издательство Восточной литературы, 1963. – Б. 348.

<https://conferencea.org>

газеталари эди<sup>26</sup>. Руслар яшайдиган қисмида эса газеталарнинг 849520 сони сотилган. Эски шаҳардаги почта идоралари қошидаги жамғарма (омонат) кассаларда ҳар куни 100 нафарга яқин омонатчи 3-5 минг сўм, руслар яшайдиган қисмида эса 650 нафарга қадар омонатчи қарийб 165 минг сўм маблағ киритган. Гербли ва вексел қоғозлари борасида аҳвол бир мунча бошқача: шаҳарнинг маҳаллий аҳоли яшайдиган қисмида ҳар куни 20-25 минг сўмлик, руслар яшайдиган қисмида 5-12 минг сўмлик сотилган<sup>27</sup>.

Шаҳарларнинг маҳаллий аҳоли яшайдиган қисмларида туб ерли аҳолига мансуб одамларни «рус ақл-заковат уммони»га жалб этиш учун баъзан «халқ ўқувлари» уюштирилди. Тошкентда 1892 йили очилган «Халқ ўқувлари комиссияси» ва Самарқанддаги «Халқ ўқувлари тўғараги»нинг вазифаларидан бири шу эди. 1901 йил 18 мартда Самарқанднинг кўхна Шердор мадрасасида мубҳам расмлар билан шундай ўқув ташкил этилди. Тадбирда ёшгина мулла Маҳмуд Н.П. Остроумов таржимасида Толстой асарларидан бирини ифодали ўқиб берди. Тадбирга 4-5 минг одам йиғилган (русча ўқишни биладиган Сатторхон ҳам Толстой асарларига қизиққан). Тошкентда, асосан руслар яшайдиган қисмда, эрлар гимназияси биносида 1899 йилнинг февралда «маҳаллий аҳолини Европа илм-фани ютуқлари билан оммавий маъруза шаклида таништириш юзасидан дастлабки тажриба» амалга оширилди. Унда халқ билим юртлари инспектори С.М. Граменицкийнинг Европада турли фанлар соҳасида эришилган ижобий натижалар тўғрисидаги рисоласи таржимаси ўқиб эшиттирилди. Бундай ўқув Туркистон учун муҳим янгилик эди. Бу тадбирларда Ўрта асрлар маданий ҳаётига оид ҳодисаларни сўзлагандан кўра, зўр нотикларнинг очик жойда, кўп киши олдида, шоҳ ҳам, уламо ҳам, гадо ҳам иштирок этадиган ўғитлари маъқул бўлиб кўринарди. Машҳур одамлар оломон олдида сўзга чикмасдилар. Оломон эса муқаддас авлиё ва анбиёларни, айниқса, охириги замон пайғамбари, расули ақром Муҳаммад (с.а.в.) куёвлари Али шаънига ҳамду санолар ўқувчилар измида эди.

Халқ орасида кўғирчоқбозлик томошалари кўрсатилар эди. Рамазон ойида кечкурунлари кўғирчоқлар ёрдамида турли томошалар кўрсатилган. Кечкурунги томошаларга русларнинг ҳам кўплаб келишгани маълум. Ҳолбуки, бу жанр драматик адабиётнинг куртаги сифатида шубҳасиз қизиқиш уйғотади. Маҳаллий аҳоли ўртасида драма санъати русларга қадар ҳам ютуқларга эришган эди. Уларнинг энг зукко ва сўзамоллари, хусусан бир пайтлар Худоёрхон назарига тушган Зокиржон гов сингарилар хон саройларида ҳам томоша кўрсатишган.

Манбаларга қараганда, XIX асрнинг 70- ва 80- йилларида рус губернатори ва уезд бошлиқлари ҳам сахнага чиқишган. Кейинчалик ҳокимият талаби билан бўлса керак, бу

<sup>26</sup> Наливкиннинг сўзларига қараганда форс тилида нашр этиладиган, панисломизмни тарғиб этувчи «Хабл ал-матин» («Мустаҳкам ришта») ҳинд органи Ўрта Осиёда анчагина кенг тарқалган. (В.В. Бартольд шарҳи).

<sup>27</sup> Бартольд В.В. Сочинения. Том II. Часть 1. – М.: Издательство Восточной литературы, 1963. – Б. 348.

<https://conferencea.org>

насага чек қўйилган. Қўғирчоқ театрининг сеvimли қахрамонларидан бири шаҳардаги татар шифокори доктор Батыршин бўлган. У маҳаллий аҳоли ўртасида Европа маданиятини ҳам тарғиб ва ташвиқ қилган. Зотан ёзма адабиётдаги мураккаб бўғинли ифодаларга нисбатан маҳаллий аҳолининг жонли сўзлари шу халқ маданиятининг ёдгорлиги сифатида ҳам эътиборни тортади.

## Фойдаланган адабиётлар рўйхати:

1. Мавланов У. Ўрта Осиёнинг алоқа ва савдо йўллари: шаклланиши ва ривожланиш босқичлари. Тарих фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент., 2009.
2. Бартольд В.В. Сочинения. Том II. Часть 1. – М.: Издательство Восточной литературы, 1963. – Б. 336.
3. Ўша асар. – Б. 337.
4. Ўша асар. – Б. 346.
5. Ўша асар. – Б. 348.
6. Мавланов У. Ўрта Осиёнинг алоқа ва савдо йўллари: шаклланиши ва ривожланиш босқичлари. Тарих фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент., 2009.
7. Ахмеджанова З.К. К истории строительства первых железных дорог в Средней Азии. – Т., 1956.
8. Рожкова М.К. Экономические связи России со Средней Азией (40-60 годы XIX века). – М., 1963.
9. Ковалев П.А., Рахматов М. Страницы строительства Бухарской железной дороги в 1914-1916 годах. //Труды Средазгосуниверситета. – Т., 1958.
10. Рожкова М.К. Экономическая политика царского правительства на Среднем Востоке во второй четверти XIX в. и русская буржуазия во второй четверти XIX в. и русская буржуазия. – М., Л., 1949.
11. Рожкова М.К. Экономические связи России со Средней Азией (40-60 годы XIX века). – М.
12. Гуломов Х. Дипломатические отношения государств Средней Азии с Россией в XVIII- первой половине XIX века. – Ташкент.: Фан, 2005.
13. Мухаммаджонов А.Р., Нейматов Т.Н. Бухоро ва Хиванинг Россия билан муносабатлари тарихига доир баъзи манбалар. – Тошкент., 1957.
14. Вамбери А. Путешествие по Средней Азии. // Перевод с немецкого с примечаниями В.А. Ромодина. – СПб., 2005.